

## КАСБГА САДОҚАТ

**Муҳтарам жамоат!** Инсон ҳаёти давомида касб қилиши зарурий амал бўлгани учун Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда бунга катта аҳамият қаратилган. Аллоҳ таоло Жумъя сурасида шундай марҳамат қилган:

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَاتَّشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ  
وَإِذْ كُرُوا اللَّهُ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ (Суре аль-Жумъа/10 آя).

яъни: “**Бас, қачонки, намоз адо қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингиз! Аллоҳни кўп ёд этингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз**” (Жума сураси 10-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло мўминларни ибодатларини адо этиб бўлгандан кейин ер юзига тарқалиб, ризқ йўлида саъй-ҳаракат қилиб, ҳалол йўл билан ризқ топишга тарғиб қилмоқда. Аллоҳ таоло ризқнинг йўлларини кўпайтириб қўйган. Банда ўша йўлларга кириши, ризқ келиши сабабларини бажо келтириб, заминга сочиб қўйилган ризқини исроф қилмай териб ейиши керак.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ مِنْ أَطْيَبِ مَا أَكَلَ الرَّجُلُ مِنْ  
كَسْبِهِ” (Роҳад аль-імам Аҳмад)

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Шубҳасиз, киши ризқланадиган нарсаларнинг энг ҳалоли ўз касби орқали еган нарсасидир”, деганлар (*Илом Аҳмад ривояти*).

Касблар ҳар хил бўлади. Ҳалол – покиза касблар ҳам бор, ҳаром – жирканч касблар ҳам бор. Шариъатимиз инсоннинг касб-кори фақат ҳалол бўлиши, ризқ-рўзининг манбаи бирор шубҳа аралашмаган ҳалол маблағдан бўлишига чақиради.

عَنِ التَّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ الْحَلَالَ بَيْنَ، وَإِنَّ  
الْحَرَامَ بَيْنَ، وَبَيْنَهُمَا مُشْتَبِهَاتٌ لَا يَعْلَمُهُنَّ كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ، فَمَنِ اتَّقَى الشُّبُهَاتِ اسْتَبَرَّ لِدِينِهِ وَعَرَضَهُ، وَمَنْ وَقَعَ  
فِي الشُّبُهَاتِ وَقَعَ فِي الْحَرَامِ، كَالرَّاعِي يَرْعِي حَوْلَ الْحِمَى يُوْشِكُ أَنْ يَرْتَعَ فِيهِ، أَلَا وَإِنَّ لِكُلِّ مَلِكٍ حِمَى، أَلَا  
وَإِنَّ حِمَى اللَّهِ مَحَارِمُهُ، أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضْعَةً إِذَا صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، وَإِذَا فَسَدَ الْجَسَدُ  
كُلُّهُ، أَلَا وَهِيَ الْقُلْبُ” (Муттағи' Улійе)

Машҳур сахоба Нўймон ибн Башир розияллоҳу анҳодан ривоят қилинишича у зот шундай деганлар: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: “Дарҳақиқат, ҳалол нарсалар очиқ – ойдиндир. Ҳаром нарсалар ҳам очиқ ойдиндир. У иккисининг ўртасида эса шубҳали нарсалар ҳам борки, кўпчилик уларни билмайди. Ким

*шундай шубҳали нарсалардан ўзини эҳтиёт қилса динини ва обрўсини покиза асраб қолади. Аммо ким шубҳали нарсаларга ўралашиб қолса, ҳаромга ҳам тушиб қолади. Бунинг мисоли бирорвнинг кўргони атрофида подасини ўтлатиб юрган чўпонга ўхшайди-ки, унинг қўйлари сал қолса ўша кўргонга кириб кетади. Огоҳ бўлинг, ҳар бир подшоҳнинг ўз қўгони бўлади. Огоҳ бўлинг Аллоҳнинг кўргони унинг ҳаром қилган нарсалариdir. Огоҳ бўлинг жасадда бир парча гўши бор, агар у соглом бўлса бутун жасад согсаломат бўлади. Агар у айниса, бутун жасад бузулади. Огоҳ бўлинг ўша бир парча гўши қалбdir”* (Муттафақун алайх).

Ушбу ҳадис мазмунидан инсон нафакат ҳаромдан сақланиши, балки ҳалол ёки ҳаромлиги иштибоҳли, ноаниқ бўлиб қолган шубҳали нарсалардан ҳам эҳтиёт бўлиши зарур экани тушунилади. Ҳалол-ҳаромлиги ноаниқ бўлган нарсалардан йироқ юриш кишининг тақвосига далолат қиласди.

Динимизда ҳалолдан ризқ қидириш ҳатто ибодат даражасига кўтарилган. Бунга қуидаги ҳадиси шариф ҳам далолат қиласди.

*عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّهُ أَخْبَرَهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "إِنَّكَ لَنْ تُنْفِقَ نَفْقَةً تَبْتَغِي بِهَا وَجْهَ اللَّهِ إِلَّا أَجْرَتْ عَلَيْهَا، حَتَّىٰ مَا تَجْعَلُ فِي فِيمَا أَمْرَأْتُكَ" (رواه الإمام مسلم)*

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “*Албатта сен аҳлингга Аллоҳнинг розилиги йўлида қилган ҳар қандай нафақага ажр оласан. Ҳаттокази, аёлингни оғзига тутган луқмага ҳам*”, дедилар (Имом Муслим ривоят қилган).

*عَنْ أَبْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَنْ أَمْسَى كَالَّا مِنْ عَمَلٍ يَدْبِيهُ أَمْسَى مَغْفُورًا لَهُ. (آخر جهه أَبْنِ أَبِي شَيْبَةَ فِي الْمُصَنَّفِ وَالطَّبَرَانيِّ فِي الْأَوْسَطِ)*

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “*Ким меҳнат қилиб, хориб чарчаган ҳолда тунаса гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди*”, деганлар (Ибн Аби Шайба “Мусаннаф”да, Табароний “мўъжамул авсат”да ривоят қилган).

Демак, киши ризқ талабида ва ҳалол қасб излаб, қандайдир ташвиш ва мешаққат чекса, мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам гуноҳларга каффорат бўлиши айтилмоқда. Бу каби ҳадиси шарифлар ҳалол ризқ талабида ҳаракат қилиб, вақтинча бир қийинчилик ҳолатини бошдан кечираётган кишиларнинг руҳиятига тетиклик бағишлийди. Инсон ушбу қўрсатмаларга амал қиласми майший ҳаёти тартибга тушади, ҳам ажр савоб олади, ҳам гуноҳлардан покланади.

Динимиз пешона тери билан топилган мол-мulkни энг яхши амаллардан эканлигини таъкидлаш балан бирга ишёқмаслик, танбаллик, бекорчилик, тиланчилик, ўзгаларга юк бўлиш каби иллатларни қаттиқ танқид остига олади.

*عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ "لَا نَيَحْتَزِمُ أَحَدُكُمْ حُزْمَةً مِنْ حَطَبٍ فَيَحْمِلُهَا عَلَى ظَهْرِهِ فَيَبِعَهَا خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ رَجُلاً فَيَعْطِيهُ أَوْ يَمْنَعْهُ" (متَّفَقٌ عَلَيْهِ)*

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: “*Бирингиз арқонини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаши йили”* 15-Тезис, 2018 йил 2

*олиб, ўтин териб, елкасида қўтариб келтириши ва уни сотиб* (кун кечириши) *бировнинг олдига келиб, тиланишидан яхшироқдир. Холбуки у киши беради ёки бермайди”* (Муттафақун алайҳ).

Дангасалик иллати қайси халқда илдиз отса уни заифлаштиради, тараққиётдан ортда қолдиради ва вайрон қиласиди. Одамлари танбал, дангаса ва илму-фанга қизиқмайдиган юрт умуман ривож топмайди. Халқи ўзгаларга қарам бўлади, душманлар бундай юртни истаганча топтайдилар, талайдилар.

**Мұхтарам жамоат!** Динимизда барча соҳанинг йўл-йўриклари ва одоблари жуда ҳам аниқ тарзда баён қилинган. Жумладан касбу-кор қилишнинг ҳам ўзига яраша одоблари, меъёрлари мавжуд. Қўйида касб одобларидан баъзиларини зикр қилиб ўтамиш:

**- Танламоқчи бўлган касби-кори шариат руҳсат берган касб бўлиши лозим.**

Касб танламоқчи бўлган инсон биринчи навбатда ўша касб шариъат нуқтаи назардан мумкин бўлган иш бўлиши лозим. Шариат эса инсонга, жамиятга, ватанга, атроф муҳитга зарар етказадиган, ёмонлик ва фахшга даъват этадиган барча нарсани ҳаром қилган.

**- Биринчи навбатда ўзи яхши билган ва яхши адo эта оладиган ишига киришиши лозим.**

Яъни ҳар бир киши ўзи яхши мутахассис бўлган, яхшилаб адo эта оладиган ишни топиб, ишга киришиши унинг зиммасида омонат эканини, Қиёматда ҳам Аллоҳ таоло олдида масъул эканини яхши ҳис қилиши лозим.

**- Ишини яхши ният билан бошлиши ва унда бардавом бўлиши керак.**

Яъни, “Аллоҳ таоло менга аҳли-аёлимнинг нафақасини вожиб қилган, У зот буюрганидек ҳалол йўл ила нафақа топай”, деган ниятда ўз касбини адo этиши ва бундан ажр-савоб умид қилиши лозимdir.

**- Ўз касбини бажарганда пухта адo этиши керак.**

Мусулмон киши ҳар бир ишида, айниқса ўзининг касбу-корини адo этишда уни пухта, мукаммал ва гўзал тарзда бажариши лозим. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом “Аллоҳ сизлардан бирингиз иш қилганда, уни пухта бажаринини яхши кўради”, деганлар.

**- Алдамчилик, хиёнат ва кўзбўямачиликдан сақланиши лозим.**

Бажармаган ишини бажарган этиб кўрсатиш, тақдим этаётган хизмат ёки маҳсулотини айбини яшириб, уни сифатли қилиб кўрсатиш каби одатлардан сақланиш лозим. Саҳих ҳадиси шарифлардан бирида пайғамбар алайҳиссалом “Ким бизни алдаса у биздан эмас”, деганлар (Имом Муслим ривоят қилган).

**- Ваъдасига вафо қилиши, у билан бирга муомала қилаётганларга гўзал одоб-ахлоқда намуна бўлиши лозим.**

**- Ўз касбига доир шариат хукмларини ўрганиб олиши.**

Шунинг учун ҳам ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу тижоратчиларга қаратада “Бозоримизда динда факих бўлмаган одам савдо қилмасин”, деганлар.

**- Ризқи келишига сабаб бўлиб турган касбни сабр ва матонат билан адo этиши.**

Оиша розияллоху анходан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қачон Аллоҳ бирингизга бирор тарафдан ризқ жорий қилиб қўйса, унинг ўзи ўзгармагунича, ўша нарсани тарк қилмасин”, дедилар (Имом Аҳмад ва Имом Ибн Можа ривоят қилган).

Яъни, Ҳар бир ишни бошлагандага ўзига яраша мاشақкати, қийинчилиги бўлади. Ўша қийинчиликларни енгиб ўтиб, то у фойда бермайдиган бўлиб қолмагунича тарк қилмаслик керак.

**- Касбу-кори фарз ибодатларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги.**

Тирикчилик учун саъй-ҳаракат қилиш, нафақайи рўзгор эркак кишиларнинг зиммасида вожиб амал. Лекин у Аллоҳ таоло буюрган бошқа фарз амалларга халал бермаслиги керак. Ушбу маънони қуйидаги ҳадиси шариф ҳам қўллаб-қувватлайди:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: " طَلَبُ كَسْبِ الْحَلَالِ فَرِيضَةٌ بَعْدَ

"الْفَرِيضَةَ"

(رواه الإمام البیهقی في شعب الإيمان).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ҳалол касб талаб қилиш фарздан кейинги фарздир”, дедилар (Имом Байҳақий ривоят қилган).

**Хулоса қилиб шуни айтиш керакки,** ўз касбига нисбатан садоқати бўлмаган шахснинг на ишида, на касбу корида барака бўлади, балки унинг бутун ҳаёти бекарорликда ўтади. Модомики, биз буюк келажак сари интилар эканмиз, ҳар биримиз ўз вазифамизга садоқат билан ёндашмоғимиз лозимдир.

Аллоҳ таоло барчамизни касбу коримизга барака бериб, ризқимизни ҳалол йўллар билан топишимизга ўзи мададкор бўлсин! Омин!